

**REFLECTION OF WORLD LITERARY STYLES**

Kairat Anarbaevich Mambetaliev

Chirchik State Pedagogical University

Teacher of the Faculty of Primary Education, (PhD)

**ABSTRACT**

The article talks about the foundation stone of world poetry going back to the ancient Greek culture, the reflection of world literary styles is considered.

**Keywords:** world, literature, poetry, poet, whole, motherland.

**ЖАҲОН АДАБИЙ УСЛУБЛАРИНИНГ АКС ЭТИШ ТАОМИЛИ**

Қайрат Анарбаевич Мамбеталиев

Чирчиқ давлат педагогика университети

Бошланғич таълим факультети ўқитувчиси, (PhD)

**АННОТАЦИЯ**

Мақолада жаҳон шеърятининг тамал тоши антик юнон маданиятига бориб тақалиши тўғрисида гап боради, жаҳон адабий услубларининг акс этиш таомили кўриб чиқилади.

**Калит сўзлар:** жаҳон, адабиёт, шеърят, шоир, яхлит, ватан.

**АННОТАЦИЯ**

В статье краеугольный камень мировой поэзии восходит к древнегреческой культуре.

**Ключевые слова:** мир, литература, поэзия, поэт, целое, родина.

Жаҳон шеърятининг тамал тоши антик юнон маданиятига бориб тақалади. Орадан ўтган қанча суронли йилларда ҳам, ундан кейинги илк уйғониш даври адабиёти, хусусан, шеърятда катта ўзгаришлар юз борди. Мана шу ўзгаришлар атоқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймон ва ўзбек шоири Рауф Парфи ижодида Шекспир, Федерико Гарсиа Лорка, Робиндранат Тагор, Пабло Неруда сингари ижодкорларнинг асраларидан илҳомланиш, шу ижодкорлар услубига яқинлашиш сезилса-да, тасвир ва талқинда ўзига хослик кузатилади. Чилилик шоир Пабло Неруда ижодини синчиклаб мутолаа қилганимизда эрк ва озодликка ташналик ғояси, Ватан истиқлоли йўлида жонфидолик руҳининг ҳар икки халқ шоири ижодига анъанадан – ноанъанага ўтиш босқичларидаги таъсири масаласида поэтик услуб яхлитлиги намойиши сезилади. Рауф Парфининг ўзи Пабло Нерудани севиб мутолаа қилиш асносида икки жиҳатни эътиборга олади. Биринчи жиҳат: шоир шеърларига бағишлов масаласи, иккинчи жиҳат шоир шеърларини таржима қилиш борасида. Қозоқ шоири Ўлжас Сулаймон ҳам худди шу йўсинда жаҳон адабий стретиплаврини синчковлик билан қайта идрок этади. Ёзувчи ва мунаққид Н.Эшонқул бу ҳақда шундай ёзади: “Неруда ўз ижодида беш қитъа бадий анъаналаринигина эмас, жўғрофиясини ҳам бирлаштирган, унинг шеърлари, дoston, балладаларидан беш қитъанинг деярли йирик ва тарихий шаҳарларининг барчасини топиш мумкин. Нега шундай? Жавоб, афтидан, Неруданинг бош ижодий кредосидан келиб чиқади. У миллати, ирқи, тили,

дини қайси давлатга фуқаролигидан қатъи назар, «мен инсонман» деган ғояни илгари сурди ва инсон ҳурлиги, фикр, сўз, туйғу, қарашлар ҳурлиги унинг бош мақсади бўлди. Шу сабабли унинг асарлари бир қарашда деклоратив шиорлардай туюлади, бироқ ундаги образларга, ўхшатиш, сўз ўйини, метонимияларга назар ташласангиз, ундаги юксак ва нозик поэтик нафосатдан юрагингиз тўлиб кетади. Бу шеърлари инсон, жамият, нафосат ўртасини боғлаб турувчи бир уйғун мусиқага ўхшайди”<sup>10</sup>. Ҳақиқатдан ҳам, шеърларидаги куй ва оҳанг, майин мусиқийлик билан нозик ўхшатишлар, тасвир ва ифоданинг қуюқлиги, оҳанграболиги ҳар қандай ўқирманни ўзига жалб қилишдан чарчамайди. Мана шу жиҳатдан олиб қаралганда уч ўлчамли дунё авзойини шеърятнинг олтин даврларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Демак, миллий ўзбек ва қозоқ шеърятига кириб бориладиган эшикнинг бир тутқичи жаҳон адабиётида кўзга кўринган турфа хил ифода услубларининг сентизидан юзага келганлигини эътироф этиш лозим:

Ишқ судраб келадир ҳасрат тўрини ва балиқлар сокин живирин. Уларга боқмагин – ҳеч бир жароҳат Бизни айрилиққа этолмас дучор.

Мазкур шеърда акс этаётган ўзига хос ташбеҳлар галерияси ҳар қандай ўувчини ўзига тезда ром этади. Ишқнинг судраб бораётган ҳасратга тўлган тўрда балиқларнинг сокин живири яширинган. Балиқ биласиз – тили йўқ жонзот! Ҳақиқий ишқнинг тўрига тушган ошиқ ва маъшуқа ҳам шу кайфиятда яшаётганидан далолат. Шоир ўз маҳбубасига нола қилишдан чарчаш билмайди: уларга ҳеч бир қарамагин, бизга берилган жароҳат ва изтироб – айрилиққа дучор қилишга қодир эмаслигига ишонтиради. Айниқса, кейинги мисралари шоирга таскин ва тадбир беради. Баҳорчалик бир таскин берувчи хаста йўқ деган хулосага келади. Ҳатто кўздаги ёш ҳам айбдор эмаслигини ўзини ва маҳбубасини инонтиради. Яратган ҳар икки ошиқ учун фалақдан илоҳий бир нур сочиб қўйганидан қаноат ҳиссини туяди. Ана шундай тасвир ўзбек ва қозоқ шеърятига ҳам ўз аксини топган. Шу ўринда жаҳон шеърятидан кириб келган поэтик тартибланштириш композициясини 3 хил йўсинда идроклаш лозим:

1. Услубий таъсир. 2. Ҳиссий таъсир.

3. Қиёсий-типологик таъсир.

Мазкур учлик ҳар бир шоир поэтик оламида турли хил шаклда намоён бўлади. Тўғри, адабий-бадий полотно замзамаларидан ноодатий равишда илҳомланиш мумкин. Бироқ буларнинг ҳеч бирида шоир ўзи уқиб. Ўқиб, ботиний дардига ҳамоҳанг кечинмаларни қабул қилганичалик ўзлаштирилмайди. Ҳис ва ақл бирлиги адабий таъсирланишни янада ўстиради, ривожлантиради. Шоирнинг ижодий кредоси, олам ва одамга муносабати, уни қийнаётган муаммолар сарҳади асл шеърнинг яратилишига катта таъсир кўрсатади. Академик Б.Назаров: “Рауф жаҳон адабиётининг ўз қалбига яқин намояндалари ижодини кўп ўқиди, улар орқали жаҳон билан сўзлашди, жаҳон дарди ва ўз дардларини муқояса қилди, назаримда, ҳар гал ўз дарди оғир келавергандек бўлди, бу оғирликлар қоғозга шеър бўлиб тўкилди, шундагина қалби бироз енгил тортди, лекин ҳеч қачон бу қалб оғирликлардан бўш яшолмади”. Ҳақиқатдан ҳам, шоир шеърларига кучли таъсир қилган Европа халқлари, турк ва рус шоирларининг ёлқинли ижоди катта таъсир кўрсатгани бежиз эмас. У руҳнинг озодлиги йўлида тинимсиз исён қилди. “Рауф Парфи юксак орзу йўлида одамнинг бошидан кечган жуда кўп ва хилма-хил воқеалар самараси ўлароқ руҳда уйғонадиган мураккаб ҳолатларни бежирим чизги орқали сувратлай олади. Агар гилос тизимидай кўримли бу сувратда жаннат аксланган бўлса, унинг роҳат-фароғатини ҳис этиш учун дўзах азобини эшлашга мажбур

бўламиз. Умуман, шеърият шундай бир тенгсиз сеҳрки, у билан юракдан тиллашган маҳал умримизнинг аллақайси дамларини ғалати жунун ичра эслаймиз ва хулосалаймиз”.

Бинобарин, мана шу жиҳатдан олиб қараганда ўзбек ва қозоқ шеъриятининг дарғалари жаҳон адабиётидан ката бир хазинани ҳиссий ва ақлий идрок билан яқиндан таништирди. Бу шоирларнинг олам ва одамни тушуниш, Яратганнинг ҳар бир неъматидида бир ҳикматни туйиш, дунё ва охират ҳақида қайғуриш, мумкин қадар ўзлигини қурбон қилиш борасида жонфидолик қилдилар. Айниқса, мана шу сатрларга эътибор берганимизда буни яққол ҳис этамиз, шууримизда аллақандай бир ўзгаришни сезамиз:

Додимни эшитгил қодир Аллоҳим,

Ишқ сен-сен, ошиқ ҳам сен, мен қулингман. Лойиқман қаҳрингга, дўзахим – боғим, Омонат деворман, ўтман, кулингман.

Рубби маскун узра сайёд, ўзим сайд, Ортиқ мозорим йўқ, воқифсан ахир. Манглайда ёзилган фармонинг айт, Даъват қил, гуноҳкор бандангни чақир<sup>14</sup>.

Дунёнинг ҳою ҳаваслари шоирга неча чақалик фарқи бор? Шоирнинг “юрагидан чиқаётган дод” нима? Сендан бошқа ишқ ҳам ошиқ ҳам йўқлигини теран идрок қилган банди хокисоргина – мен қулингман дейиши учун катта руҳ керак! Қаҳрингга лойиқ бир қулни афу қил дейиш учун ҳам Аллоҳнинг измидан чиқмаган бўлиши шарт банданинг. Ўзининг боғини дўзахга ўхшатмоқда. Тавбанинг ҳосиласи ўлароқ шоир Худога нола қиляпти. Сен энг шафқатли Зотсан! Менинг тизгинсиз гуноҳларим эвазига Қаҳрингга ҳам лойиқман деб, тан олиш учун инсон бўйнига ўлимни ҳам ола билиши лозим! Мана шундай ўтлиғ тавбанинг – таскини, кечмишлари фақат Аллоҳга муножот шаклида янграйди. Бунинг учун шоир юқорида айтганимиздек сўзга катта масъулият билан қарамоғи муҳим шоирнинг. Бу масъулият – руҳнинг пок ва тозалиги, иймоннинг бутунлиги, эътиқоднинг ҳеч қандай тузум ва тутумларга бўйсунмаслигини тақозо этади. Аламли ҳайқириқнинг замирида сокин тозаришни туяди шоир.

Пабло Неруданинг ўткир қаламидан чиқаётган тасвир симфонияси атоқли қозоқ шоири Ўлжас Сулаймонда ҳам ўзига хос тарзда янграйди:

Шабнам йўқ,

Во ажаб, қўлимга тегмас сира нам, Туннинг бағридаги совуқ қумда ҳам, Юзда ҳам, ўтовнинг сирти – наматда Йўқ зарра шабнам.

Тўғралган тошларнинг Қотган мавжлари

Жилоланар ойнинг нурида бирам; Изғийди қашқирлар ҳар ён сарсари, Йўқ зарра шабнам.

Жаҳон шеъриятида кўп кузатиладиган пейзаж поэзиясида бадиият шу қадар омукталашиб, ягона бир ғояни ифодалашга бўйсундириладики, уни фалсафий-эстетик жиҳатдан мушоҳада қилганда англаш мумкин. Шоир “Шабнам”га шунча мурожаат қилади. Шабнамсиз шоирнинг олдида гуллар ҳам сўлиш берган. Саратоннинг авж палласида шоир ўзига меҳрибон ахтаради. Туннинг бағридаги совуқ қумдан ҳам бир қатим нур қидирган йўловчи мисол шабнамни излайди. Ўрта Осиёлик одамлар яхши

билишадик, собиқ иттифоқ даврида ерларнинг ўзлаштирилиши натижасида саҳрои олам янада чўлланишда давом этди. Шоир биргина на макон ва на замонни тилга олади. Бу ўринда тузум ҳам тилга олинмайди. Фақат зуко ўқувчига шабнамнинг йўқлигидан ҳасрат қилади.

Қашқирлар изғиб юриши шабнамнинг йўлигига қандай алоқаси бор? Мавжуд тузум кирдикорлари “қашқир”ларнинг изғиши натижасида Ватаннинг ҳатто бўлакланган тошларига ҳам сув керак деган катта фалсафий изтироб мужассам. Шоир ана шу зайлда туйғулар реализми ва тартиботини даражалаб тавсифлайди: Туннинг оғушида  
Оппоқ шуълага

***Беланди сахронинг кўкси – сийм тан, Лекин гезарар дил  
Чиқмайди саси –***

***Бир томчи шабнамга ташна, зорликдан. Ой совур ниҳоят,  
Қуёш нуридан***

***Бир чети ярқираб кетар оламнинг... Нега?  
Қўнган эди юзига шабнам***

Сахрода тунаган танҳо одамнинг.

Қачон туннинг оғушида нима содир бўлса ҳам, шабнамнинг йўқлигидан азият чеади. Ойнинг совииб бориши натижасида яна бир катта умумлашма образ мужассам. Негаки, қуёшнинг чиқиши кунни яна забтига олиб чўғдек қиздиради. Сахрода тунаган танҳо одам ким? У шоирнинг ўзими? У шундай изтиробдан ботини йиғлайди. Юзига қўнган шабнам туфайли бир чети ярақлаган оламнинг акси уйғунлигини кўрганимизда масала янада ойдинлашади. Ҳар иккала шоир шеърларида табиат орқали инсон руҳиятининг энг чуқур маконларигача тасвирлаш алоҳида аҳамият касб этади. Жаҳон адабиётида “урф” бўлган услубий-шаклий тасвир манераси ҳар икки халқ шоирига катта ижодий қувват беради. Бу қувватнинг поэтик тархи ягона эстетик мезонда бирлашади. Олам сирларини билишга ошиққан зотки бор, ундан маъно-мазмун ахтариб яшайди. Яратилишнинг моҳиятини англаган ботиний сезимларгина уларга баҳо ва тавсиф беришга лойиқ. Ҳақиқатни сўз пардаларида жилолантириш учун камида ўшалардек маҳоратга эга бўлмоғи лозим. Мана шу жиҳатлар жаҳон шеърлятида услуб ва шакл бирлигини далолатлайди. Ижтимоий дард билан руҳий эҳтиёж ҳосиласи ҳар иккала шоир ташбеҳларида ўзига хос тарзда намоён бўлганлигини унутмаслик муҳим. Зеро, қалбнинг англаш ва ифодалаш механизми мураккаб ва хилма-хилдир. Уни чинакам ижодкорларгина уддалай олиши айни ҳақиқатдир.

#### **REFERENCES:**

1. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики: Исследования разных лет. – Москва: Художественная литература, 1975. – 502 с.
2. Белинский В.Г. Адабий орзулар. Тошкент. 1987. - Б.220.
3. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. - Б.426.
4. Жўрақулов Узоқ. Назарий поэтика масалалари. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2015. - Б.353.
5. Ташпулатович, Қ. Н., & Рустемов, А. Т. (2023). ТОЛЕРАНТЛИК ТУШУНЧАСИ КЕЛИБ ЧИҚИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ. Conferencea, 64-66.

6. Rustemov, A. T. (2022). XALQ OGZAKI IJODI HAQIDA BIROR SOZ. Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies, 1(1), 159-160.
7. Rustemov, A. T. (2022). MAKTABGACHA YOSHDAGI BOLALARNI TARBIYALASHDA FOLKLOR. Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies, 1(1), 157-158.
8. Rustemov, A. T. (2022). Methodology of Education of Children in Preschool Educational Institutions. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 12, 3-4.
9. Калдыбаева, Д. О. (2022). Постмодернист или неореалист, о творчестве А. Слаповского. Academic research in educational sciences, 3(3), 926-932.
10. Калдыбаева, Д. О., & Каландарова, А. В. (2021). Тестирование как инновационный метод преподавания русского языка как иностранного. Academic research in educational sciences, 2(12), 929-935.
11. Калдыбаева, Д. О. (2021). Реализм в современной русской литературе. Academic research in educational sciences, 2(12), 942-945.
12. Калдыбаева, Д. О., & Каландарова, А. (2021). Преподавание и оценка новаторства. Academic research in educational sciences, 2(CSPI conference 2), 491-495.
13. Калдыбаева, Д. О. (2021). Методы и технологии обучения. Academic research in educational sciences, 2(4), 1379-1385.
14. Abdiyeva, G .B., Qarshiboyyeva, X. K. (2022). Dars jarayonlarida pedagogik texnologiyalarni qo'llash orqali ixtirochilikka oid kompetensiyalarini shakllantirish. Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy And Culture, 2(1), 91-94.
15. Арсланова, Г. Д., Панкина, М. С. (2023). Воспитание национальных и общечеловеческих ценностей у младших школьников. Муаллим илмий журнали, 1(3), 409-413.
16. Арсланова, Г. Д.; Сытина, Н. В. (2023). Инклюзивное обучение в начальном образовании. Муаллим илмий журнали, 1(3), 409-413.
17. Tashpulatova, D. M. (2022). Boshlang 'ich ta'limning tashkiliy hujjatlari. Academic research in educational sciences, 3(9), 342-347.
18. Ташпулатова, Д. М. (2021). Бошланғич синф ўқувчиларини таълимнинг кейинги босқичларига тайёрлаш. МУҒАЛЛИМ, 6(12), 78-80.
19. Tashpulatova, D. M. (2021). Primary School Teachers Professiogram. The American Journal of Social Science and Education Innovations, 3(05), 11-15.
20. Жабборова, О. М., & Ташпулатова, Д. М. (2021). Бошланғич таълим методикаси. Экономика и социум, (10 (89)), 1358-1360.
21. Ташмухамедова, Г. Х. (2022). Адаптация детей с ограниченными возможностями в современном обществе. Innovative developments and research in education, 1(12), 335-339.